

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА ГУЛИ ИСМОИЛ ҚИЗИ

**ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ГЕНДЕРГА ОИД
ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЛИНГВИСТИК ВА
ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ОМИЛЛАР**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Эргашева Гули Исмоил қизи

Турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида
лингвистик ва экстралингвистик омиллар 3

Ergasheva Guli Ismoil qizi

Linguistic and extra-linguistic factors in the formation of gender terminology in
the system of different languages..... 29

Эргашева Гули Исмоил қизи

Лингвистические и экстралингвистические факторы образования
гендерной терминологии в разносистемных языках 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 59

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРГАШЕВА ГУЛИ ИСМОИЛ ҚИЗИ

**ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ГЕНДЕРГА ОИД
ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЛИНГВИСТИК ВА
ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ОМИЛЛАР**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Fil78 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.navoiy-uni.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)га жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Бакиева Гуландом Ҳисомовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сафаров Шаҳриёр Сафарович филология фанлари доктори, профессор
	Усманова Шоира Рустамовна филология фанлари доктори, профессор
	Алекс Круглов (Англия) филология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел: (0-371) 2811022; e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел: (0-371) 2811022; e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

Ш.С.Сирожидинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.Пардаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.н.

Н.М.Маҳмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Бир марталик илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тадқиқотларнинг антропоцентрик ёндашув асосида олиб борилиши натижасида гендерга оид терминларни меъёрлаштириш масалалари, гендер тенглиги дискурси муаммоларини тадқиқ этишга эътибор кучаймоқда. Бунда тилшуносликдаги анъанавий терминологиянинг принцип ва методларидан фарқли ўларок, когнитив семантика методлари орқали гендернинг лингвистик хусусиятларини очиш, янги методологик тамойил ва тадқиқ усуллари орқали гендерга оид терминларни шакллантирган лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тил ва гендер масалалари, тил бирликларининг гендер хосланиш хусусиятлари, гендерга оид терминларнинг мураккаб ва изоҳталаб жиҳатлари, ҳуқуққа оид терминларни таржима қилиш тамойиллари, терминларни когнитив аспектда тадқиқ қилишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу сабабли XX асрнинг 70–80-йилларидан юзага кела бошлаган гендер муаммосини ижтимоий ўзгаришларга бўлган талаб ва эҳтиёжни яққол намоён этадиган асосий объект сифатида, шунингдек, тилнинг грамматик қурилиши, тадрижий ривожланиш хусусиятларини миллий ва халқаро миқёсдаги ижтимоий-маданий муносабатлар ривожини белгиловчи кўрсаткич сифатида аниқлаш амалий тилшуносликдаги долзарб вазифалардан биридир.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослигида тилни замонавий тамойилларни қўллаган ҳолда тадқиқ этиш, илғор қарашларни ижодий ўзлаштириш тенденцияси шаклланди. Бинобарин, турли соҳаларга оид терминларнинг шаклланишида когнитив семантикани анъанавий ёндашувлар билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Шу маънода «Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»¹ ўзбек тилшунослигини янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Мамлакатимизда гендер муносабатларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши гендерга оид терминлар тизимини чуқур тадқиқ этиш, бундай терминларнинг ономаσιологик, семасиологик, лексикографик хусусиятларини когнитив аспектда ёритиш, тилнинг когнитив имкониятларини оламни категориялаштириш ва концептуаллаштириш нуқтаи назаридан очиб бериш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 сентябрдаги ПФ-5106-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – №258 (6952).

«Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Гендер терминологиясини назарий ва амалий йўналишларда ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Vrije Universiteit Brussel (Бельгия); University of Granada, Pompeu Fabra University (Испания); University of Konstanz (Германия); University of California, Америка Амалий лингвистика ассоциацияси (АҚШ); Macquarie University (Австралия); А.С.Пушкин номидаги Рус тили институти, Россия тилшунос-когнитологлар ассоциацияси, Россия фундаментал ва Амалий лингвистика ассоциацияси, М.В. Ломоносов номи Москва давлат университети таржимашунослик мактаби (Россия); Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Терминологияни когнитив аспектда ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: терминология фанининг нисбатан мустақил фан сифатидаги назарий асослари яратилган (А.С.Пушкин номидаги Рус тили институти, Россия), аниқ фанлар терминологияси шаклланишининг когнитив хусусиятлари очиқ берилган (Vrije Universiteit Brussel, Бельгия), когнитив терминология назарияси ва методлари ишлаб чиқилган (Pompeu Fabra University, Испания), профессионал коммуникация ва терминологияни тадқиқ этишда когнитив ёндашувнинг аҳамияти асосланган (Россия тилшунос-когнитологлар ассоциацияси, Россия фундаментал ва Амалий лингвистика ассоциацияси, Америка Амалий лингвистика ассоциацияси), таржима ва терминология соҳаларининг ўзаро когнитив асослари (М.В.Ломоносов номи Москва давлат университети таржимашунослик мактаби, Россия; University of Granada, Испания) ишлаб чиқилган; гендерга

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.pushkin.institute, www.vub.ac.be, www.upf.edu/en/home, www.ralk.info, www.msu.ru, www.ugr.es/en, www.mq.edu.au/, www.uni-konstanz.de/en/, www.uzswlu.uz/, www.universityofcalifornia.edu ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

оид терминларнинг шаклланишида биологик, психологик ва ижтимоий омиллар аниқланган (Macquarie University, Австралия), гендерга оид термин ва тушунчаларнинг феминистик танқид предмети сифатида ўзига хос андроцентрик жиҳатлари очиқ берилган (University of Konstanz, Германия; University of California, АҚШ); гендерга оид терминларнинг шаклланишида лисоний ва нолисоний омиллар (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети, Ўзбекистон) тадқиқ этилган.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида гендерга оид терминологиянинг лисоний хусусиятлари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда, яъни гендерга оид лексиканинг лисоний тизимдаги функционал-семантик тараққиётини асослаш, гендерга оид лексикани категориялаштириш, гендерга оид терминларнинг лексикографик, стилистик, лингвопрагматик, психолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тили терминологиясини монографик йўсинда тадқиқ этиш ўтган асрнинг 30-йилларига тўғри келади. У.Турсунов, А.Ҳожиев, А.Мадвалиев, С.Акобиров, Р.Дониёров, Н.Усмонов, Х.Дадабаев, Х.Бектемиров, Э.Бегматов ва бир қатор ўзбек тилшуносларининг терминологияга бағишланган илмий асарлари соҳалараро терминологияни шакллантиришда назарий-методологик манба сифатида хизмат қилди³.

О.Ахмедов, Х.Палуанова, Д.Кадирбекова, Т.Валиев, Д.Ходжаеваларнинг солиқ ва божхона, экология, АКТ, йўлсозлик, тилшунослик соҳаларига оид терминлар системасининг лингвистик ва назарий методологик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган ишлари соҳага оид дискурсларни яратишда катта аҳамиятга эга⁴.

Тил, тафаккур ва маданият муаммоларини антропологик парадигмада ўрганиш баробарида *гендер ва тил* масалалари нафақат тил ва коммуникацияда, балки дискурс доирасида ҳам кенг тадқиқ этилмоқда⁵. Шу ўринда Ш.Сафаровнинг менталлингвистикага оид илмий-назарий қарашларининг методологик аҳамиятини алоҳида қайд этиш жоиз⁶.

³Турсунов У. Ўзбек терминологияси масалалари. –Т., 1933; Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. –Т.: Фан, 1996; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017; Акобиров С.Ф. Тил ва терминология. –Т., 1968; Дониёров Р. Ўзбек тили илмий-техникавий терминлари тарихидан. –Т., 1973; Усмонов Н.У. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: Филол.фан.номз. ... дис.автореф. –Т., 1994; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально экономическая терминология в туркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв: Дис ... д-ра филол.наук. – Т., 1991; Бектемиров Х, Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. –Т., 2002 ва ҳ.

⁴Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол.фан.д-ри ... дис. – Т., 2016; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари: Филол.фан.д-ри ... дис. – Т., 2016; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари. : Филол.фан.д-ри ... дис. – Т., 2017; Валиев Т.Қ. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талқини. Фалсафа доктори ... дис. – Самарқанд, 2018. Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида): Фалсафа доктори ... дис. – Бухоро, 2018.

⁵Джейн Сандерленднинг *гендер ва тилга* оид тадқиқотлар библиографик шарҳига бағишланган манба китоби//Jane Sunderland. Language and Gender: An advanced resource book: Routledge, – NY, 2006. -385p.

⁶ Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология: монография. – Т.: Вауоз, 2015; Сафаров Ш. Прагмалингвистика: монография. – Т., 2008; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.

90-йилларга келиб ижтимоий терминология, терминологиянинг коммуникатив назарияси ва ижтимоий-когнитив терминология каби ёндашувларнинг пайдо бўлиши анъанавий терминологияни янги босқичга кўтарди (Кабре Тереза, 1999; Темерман Рита, 2000; Памела Фабер, 2012)⁷.

Таржимашунослик соҳасига когнитив семантика методларининг татбиқ этилиши таржимада метафора назарияси⁸, халқаро инсон ҳуқуқларига оид матнларни таржима қилишда *тушуниш*, *когниция* ва *когнитив моделларнинг*⁹ аҳамияти каби масалаларнинг тадқиқ этилишига сабаб бўлди. Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигида гендер аспекти муаммоларига бағишланган тадқиқотлар кам эмас¹⁰. Бугунги кунда *гендернинг* амалий тилшунослик объекти сифатида тадқиқ этилиши замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири. Диссертацияда айнан ушбу объект когнитив семантика нуқтаи назаридан ўрганилиб, гендер тенглиги (бундан буён ГТ) дискурси ихтисослашган тилининг ўзига хос хусусиятлари герменевтик аспектда очиб берилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот режасининг А-1-219 рақамли «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш» (2015–2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий ва халқаро контекстда гендер дискурсига оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омилларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

анъанавий терминология назариясидаги *концепт* ва *термин* тушунчасига муносабатни ўрганиш ва терминларни изоҳлаш тамойилларини ишлаб чиқиш;

гендер назариясининг вужудга келишида лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш;

⁷ Boulanger J.C. “Une lecture socioculturelle de la terminologie”. Cahiers de Linguistique Sociale 18. 1991. - pp. 13-30; Gaudin F. Socioterminologie: Une approche sociolinguistique de la terminologie. Bruxelles: Duculot, 2003; Cabre Castellvi M.T. Elements for a theory of terminology: Towards an alternative paradigm. Terminology 6 (1), 2000. - pp. 35-57; Cabre Teresa. Terminology. Theory, methods and applications. – Amsterdam: John Benjamins, 1999; Temmerman R. Towards new ways of terminology description. The sociocognitive approach. John Benjamins B.V., 2000; Pamela Faber. A cognitive Linguistics view on Terminology and specialized language. GmbH & Co. – Berlin, 2012. - 315 p.

⁸ Thinking through translation with metaphors. Edited by James St. Andre. – GB: St Jerome, 2010.

⁹ Garre M. Human rights in translation: legal concepts in different languages. – Copenhagen, Denmark: Copenhagen Business School, 1999.

¹⁰ Курбанова М. Гендеролингвистик тадқиқ янги парадигма сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2-сон. – Т., 2014; Курбанова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол.фанд-ри. ... автореф. – Т., 2018; Шахобиддинова Ш.Х. Морфологик бирликларнинг прагматик тавсифига оид мулоҳазалар (қиёслаш категорияси мисолида) // БухДУ Илмий ахбороти. 2017/1(65); Хожиева З. Бадиий матн таҳлилининг гендер аспекти // Fledu.Uz №1/15/2017; Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Т.: Фан, 2005; Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек тилларида оламнинг фразеологик манзарасидаги гендер концептларининг шаклланиши: Филол.фанд-ри. ... автореф. – Т., 2018.

гендерга оид терминлар шаклланишида семантик, морфологик ва синтактик усуллар билан бирга тилнинг идиоматик терминларни яшаш хусусиятларини тадқиқ этиш;

гендерга оид ижтимоий категория (прототип)ларни таҳлил этишда табиий семантик метатил (NSM) имкониятларини очиб бериш;

терминология ва таржимашуносликнинг потенциал фанлар сифатида *гендер тенглигига комплекс ёндашув* дискурсини ҳосил қилишда, хусусан, гендерга оид терминларнинг хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишдаги перформатив хусусиятларини аниқлаш;

Британия Миллий корпуси асосида гендер дискурси терминларининг бевосита ёки билвосита *дискриминация* яхлитловчи семасининг фрейм ва идеаллашган когнитив модел (ICM)ларини яратиш ва инсон ҳуқуқларига оид матнларни таржима қилишда ўзига хос стратегияни белгилаш;

гендерга оид терминларни таржима қилишдаги экстралингвистик омилларни тадқиқ этиш орқали миллий дискурс яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

меъёрий ҳужжатларда фойдаланиш учун *гендерга оид термин ва тушунчалар* луғатини яратиш;

гендер назариясини таълим тизимида татбиқ этиш лойиҳасини тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва инглиз тилларидаги гендерга оид термин ва тушунчалар танланган.

Тадқиқот предмети гендерга оид терминларнинг шаклланиши ва таржима қилиш усуллариининг когнитив моҳиятини очиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда когнитив семантиканинг фрейм, прототип, гештальт ва идеаллашган когнитив моделлар (ICM), корпус лингвистикаси (BNC), танқидий дискурс таҳлили (CDA), шунингдек, дескриптив, қиёсий ва компонент таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гендер терминлар системасининг инсон ҳуқуқларига оид дискурс доирасида профессионал коммуникацияни амалга оширувчи когнитив структура сифатида шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар далилланган;

гендер дискурси терминологияси ва уни таржимада бериш муаммолари *герменевтик ёндашув* асосида оламни концептуаллаштириш ва категориялаштириш нуқтаи назаридан очиб берилган;

инсон ҳуқуқларига оид термин ва тушунчаларни концептуаллаштириш ва категориялаштиришда фрейм, прототип, метафорали идеаллашган когнитив моделлар, табиий семантик метатил каби семантик категорияларининг амалий лингвистикага татбиқининг ижтимоий аҳамияти далилланган;

гендер терминологияси асосида ўзбек тилида соҳа терминларини унификациялаш, халқаро стандартлар асосида меъёрлаштириш йўллари очиб берилган;

гендер терминлар системасида лексема, сўзшакл ва бирикма терминларнинг «торайган – кенгайган» тамойиллари асосида изоҳланиши исботланган;

лексикография соҳасида гендер терминлар системасини шакллантириш гендер дискурси ривожланишининг муҳим омили эканлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари асосидаги “Амалий лингвистика: терминология ва таржимашунослик масалалари гендер дискурсида” монографияси, “Гендерга оид термин ва тушунчалар изоҳли луғати” социология ва психология, матбуот, тиббиёт, ҳуқуқ соҳаси мутахассислари учун муҳим назарий ва амалий ғояларни тақдим этиши, шунингдек, халқаро ташкилотлар, бошқарув органлари ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотларининг давлат тилида иш юритишда ва белгиланган тартибда тасдиқланган меъёрий ҳужжатларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтирган;

таълим системасининг турли бўғинларида терминшунослик муаммоси бўйича дарслик ва қўлланмаларни яратиш, танлов фанлари бўйича амалий машғулотларни олиб боришга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда замонавий тадқиқ усулларида фойдаланилганлиги, фактик тил материалларининг ишончли луғатлардан олинганлиги ва натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хулосаларнинг ўзбек тилшунослиги доирасида танқидий дискурс таҳлили (CDA) нуқтаи назаридан тилда гендерга оид терминлар системасининг ўзига хос хусусиятларини намоён этган ҳолда, қиёсий терминология, лексикология ва таржимашунослик соҳаларини янада бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гендерга оид терминологиянинг шаклланишидаги лингвистик ва экстралингвистик муаммоларга доир қарашлардан “Тилшунослик назарияси”, “Когнитив тилшунослик”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Лексикология”, “Амалий лингвистика”, “Дискурс таҳлили” каби фанларни ўқитиш ва махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги, ҳуқуққа доир луғат ва глоссарийлар тузиш, дарслик ва қўлланмалар яратишда манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: гендерга оид терминларнинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлашга қаратилган мазкур диссертация иши натижалари асосида:

гендер терминлар системасининг инсон ҳуқуқларига оид дискурс доирасида профессионал коммуникацияни амалга оширувчи когнитив структура сифатида шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омилларни далилловчи материаллардан ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” (2007-2011) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 декабрдаги 89-03-4187-сон маълумотномаси). Айни илмий натижанинг қўлланилишида соҳага оид терминларни яратишда тилнинг ички ижодий потенциали, терминларни шаклланишида ўзига хос деривацион ва когнитив хусусиятларини тадқиқ этиш каби масалалар ўз ечимини топади;

гендер дискурси терминологияси ва уни таржимада бериш муаммоларини *герменевтик* ёндашув асосида оламни категориялаштириш ва концептуаллаштириш нуқтаи назаридан тадқиқ этишга доир хулосалар Лондон Метрополитен университети илмий семинари томонидан келгуси тадқиқотлар учун назарий манба сифатида хизмат қилиши эътироф этилган (Лондон Метрополитен университети, таржимашунослик факультети илмий семинарининг 2017 йил 5 апрелдаги баённомаси, 974438-432-сон маълумотномаси). Натижада қўлланилган методдан магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзишда фойдаланиш мумкин;

инсон ҳуқуқларига оид термин ва тушунчаларни концептуаллаштириш ва категориялаштиришда фрейм, прототип, метафорали идеаллашган когнитив моделлар, табиий семантик метатил каби семантик категорияларнинг амалий лингвистикага татбиқининг ижтимоий аҳамияти борасидаги хулосалардан Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказида “Филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили” ва “Таржима назарияси ва амалиёти: инглиз тили” таълим йўналиши модулларини ўқитишда фойдаланилган (Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2018 йил 28 ноябрдаги 10-05/192-сон маълумотномаси). Натижада таржимашунослик ва когнитив семантика фанларининг интеграцияси, амалий лингвистиканинг ижтимоий потенциали каби масалалар ўз ечимини топади;

гендер терминологияси асосида ўзбек тилида соҳа терминларини унификациялаш, халқаро стандартлар асосида меъёрлаштиришга доир тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси жиноят Кодексининг IV бобида фойдаланиш имконияти эътироф этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2018 йил 2 февралдаги 04/5-06-14-сон маълумотномаси). Натижада жамиятда мавжуд бўлган “ўзга” тушунчаларни термин доирасида шакллантириш, уларни мазмунан тўғри қўллаш жамиятнинг ушбу тушунчаларга нисбатан онгли муносабатини шакллантириш ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида ёрдам беради;

гендерга оид терминларни «торайган – кенгайган» изоҳлаш тамойилларига оид хулосалардан 2016-2018 йилларга мўлжалланган инновацион ҳамкорлик шартномаси асосида фаолият олиб бораётган инновацион гуруҳлар томонидан яратилаётган соҳавий луғатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 28 ноябрдаги 89-03-4111-сон маълумотномаси). Натижада соҳага оид терминларни изоҳлаш тамойиллари мукамаллашган, изоҳларнинг илмий-манбавий асослари кучайган;

лексикография соҳасида терминлар системасини шакллантириш соҳалараро дискурслар ривожланишининг муҳим омили эканлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг тараққиёт дастури ҳамкорлигидаги лойиҳа доирасида *Гендерга оид термин ва тушунчалар* энциклопедик луғатини тузишда фойдаланилган (БМТТДнинг 2018 йил 30 мартдаги 250/OL/GGC/210-сон маълумотномаси). Натижада лексикографик манба жамиятда гендер дискурсини ривожлантиришда муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтган, жумладан, Лондон Метрополитен университетининг Таржимашунослик факультети илмий семинарида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, улардан, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 203 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилда гендер аспекти назарияси**» деб номланган биринчи бобида *гендер ва тилга* оид муаммолар тадқиқ этилган. В.Гумбольдтнинг “эски” ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди, зеро, у янги тадқиқотлар учун қалит вазифасини ўтайди, деган фикрига¹¹ таяниб, В.Н.Ярцева ва Б.А.Серебрянников таҳрири остида чоп этилган “Дунё тилларини тавсифлаш тамойиллари”¹² тўпламида келтирилган моделларни гендер аспектига татбиқ этган ҳолда бобнинг «Дунё тилларини тавсифлаш принциплари: гендер аспекти» дастлабки бўлимида *гендер тушунчавий категория сифатида, тилларнинг структуравий хусусиятлари, тиллар*

¹¹Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. – М: Прогресс, 1985.– С. 375.

¹² Принципы описания языков мира. Под ред. В.А. Серебрянникова. – М: Наука, 1976. – 343с.

мутаносиблиги, семиологик принцип, лугат тилларни тавсифлашнинг компоненти сифатида, таржимада гендер аспекти, гендер коммуникатив аспектда каби муаммоларни ўрганиш масалалари, жаҳон тилшунослиги, жумладан, инглиз ва ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларга муносабат билдирилган.

Алоҳида қайд этиш лозимки, тадқиқот эмпирик тадқиқотларга асосланган ҳолда қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилган:

Назарий тадқиқотлар → *эмпирик тадқиқот* → *назарий хулоса*

Гендернинг семиотик-семантик табиатига нисбатан “зарба” унинг тажрибага асосланган ижобий ва салбий хусусиятларни орттирганини тасдиқлайди. «Бугунги кунда гендер тадқиқотлари аёллик ва эркакликни икки ижтимоий-маданий конструкт сифатидаги хусусиятлари, аёллар ва эркаклар орасидаги фарқлар тўғрисидаги ғоялар, уларнинг жамиятдаги ўзига хос роллари ҳақидаги масалалар билан боғлиқ»¹³.

Бобнинг иккинчи «Гендер ва тил тадқиқотларининг ривожланиши: феминистик дискурс» бўлими ХХ асрнинг бошларидаги *гендер ва тил* тадқиқотларининг таҳлилига бағишланган. Бу давр тадқиқотларининг асосий объекти тил ва нутқнинг гендер аспекти (Сепир 1915, 1929; Есперсен 1922, Маутнер 1921, Рохфорт 1922, Хаас 1944) бўлиб, социолингвистиканинг¹⁴ ривожини, билимнинг постмодернистик назарияси шаклланиши ва феминистик ҳаракатнинг пайдо бўлиши фанлараро аспектда фундаментал гендер тадқиқотларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Таъкидлаш жоизки, ХІХ асрда Шарқ маданиятида аёлларга муносабат масаласига доир қарашлар шаклланиб улгурган эди. Буни Анбар Отин ва Дилшод Барно ижоди мисолида кузатиш мумкин¹⁵.

Бодуэн де Куртенэнинг ХХІ аср тилшунослиги терминологик “портлаш”идан¹⁶ (антропоцентризм, когнитив тилшунослик, лингвокультурология, дискурс, матн талқини, прагматика) тортиб, деярли барча фанларнинг лисоний билимга эҳтиёжи борасидаги фикр-мулоҳазалари ўзини оклаганидек, гендер тадқиқотлари ҳам тилшуносликда илмий-назарий асосга эга бўлди.

Бобнинг «Гендер аспектида тил эволюцияси» бўлимида гендер аспектида лисоний ўзгаришларнинг универсалиялари мавжудлиги, тилшуносликда гендер аспектининг динамик ўзгариши сабаблари ва механизми каби муаммолар илмий асосланган. А.В.Кирилинанинг фикрича, тил эволюцияси гендер аспектида икки омил: тил аспектларининг (инглиз

¹³Marcella De M. Audiovisual translation through a gender lens. – Amsterdam-NY, 2012. - p.25.

¹⁴Haas M. ‘Men’s and women’s speech in Koasati’, Language 20: 142–9.1944; Labov W. The Social Stratification of English in New York City.–Washington, DC: Center for Applied Linguistics, 1966; Language in the Inner City. Philadelphia Pa.: University of Pennsylvania Press.1972; Trudgill P. ‘Sex, covert prestige and linguistic change in the urban British English of Norwich’, Language in Society 1: 179–95. 1972.

¹⁵Гендерга оид термин ва тушунчалар лугатида бу шоирлар ўзбек миллатининг *маърифатпарвар феминистлари* сифатида киритилди.

¹⁶Бодуэн де Куртенэ И.А. Языкознание, или лингвистика 19 века // Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. В 2-х т. – М., 1963. – Т. 2. – С. 16-18.

тили) сексист табиатига илк феминизм эътирози ва бу эътирозларга нисбатан замонавий феминистик ва постструктурал қарашларга асосланган¹⁷.

«Тилшуносликда гендер тадқиқотларининг юзага келишидаги омиллар» бўлимида ҳар қандай фаннинг юзага келишидаги муҳим омиллар *гендер тилшунослиги* ёки *гендер ва тил* тадқиқотлари ривожига татбиқ этилди:

1) прагматик омил – лингвистик тадқиқотлар натижаларининг жамият эҳтиёжларига таъсири;

2) эпистемологик омил – «билиш»нинг умумий даражаси. Тилшуносликда антропоцентрик парадигма инсон омили, унинг ақлий ва ҳиссий олами, ташқи дунё билан алоқасига бўлган қизиқиш натижасида ривожланди. Шу маънода В.Гумболдтнинг тил ва маданият фалсафасига бағишланган асаридаги¹⁸ жинслар фарқи ва унинг органик табиатга таъсирининг мукамал изоҳи гендерологиянинг ривожига катта ҳисса қўшган;

3) фанлараро омил – гендер тадқиқотларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг фанлараро парадигмада тараққий этиши;

4) илмий омил, яъни тилшуносликнинг мантиқий ривожланиши – илмий парадигманинг алмашиши ва ижтимоий ўзгаришларнинг гендер тадқиқотларига нисбатан кескин таъсири;

5) шахс омили – тадқиқот объекти ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши;

6) тил омили – тил материалларининг мавжудлиги тил назарияси табиатини белгилайди;

7) ҳар бир йўналиш ва мактаблар ўзининг метатили – терминлар системасига эга;

8) ўзига хос парадигматик хусусиятга эга бўлган гендершунослик илмий мактабларининг пайдо бўлиши;

9) лексикографик тадқиқотларнинг кўпайиши гендерга оид глоссарий ва тезаурусларни тузишга бўлган эҳтиёжда намоён бўлади¹⁹;

10) гендерга оид тадқиқотларнинг тараққиёти ва махсус даврий журналларнинг нашр этилиши;

11) олий таълим тизимига гендер назариясини татбиқ этиш ва соҳа мутахассисларини тайёрлаш мавзунинг амалий лингвистика учун

¹⁷ Кирилина А.В. Гендер: лингвистические аспекты. – М., 1999. – С. 35.

¹⁸ Гумбольдт В. фон. О различии между полами и его влияния на органическую природу // Язык и философия культуры. – М., 1985. – С. 142-159.

¹⁹ Словарь гендерных терминов (2002), под ред. А.А. Денисовой; Lexicon of Key Terms Related to Gender Equality and Women's Economic Empowerment (last update 2012). Online glossary, providing the terminology relevant to gender equality in French, English and Spanish; Glossary on Macroeconomics from a gender perspective, prepared by Bridge in collaboration with GTZ, Authors: Patricia Alexander with Sally Baden (2000); Glossary of Gender and Development terms. This glossary is the third section of the "Toolkit on mainstreaming gender equality in EC development cooperation" (2004); European Commission-Dg Justice, Gender Equality Glossary – online glossary; Glossary on maternal health with additional focus on gender issues, author Christina Eng (2010); Inter Press Service (IPS), IPS Gender and Development Glossary 3rd Edition, A Tool for Journalists and Writers (2010); International Labour Organization (ILO), Abc Of Women Workers' Rights And Gender Equality (2007), etc.

аҳамиятини белгилайди ва бу омил келажакдаги ижобий ижтимоий ўзгаришларга асос бўлади²⁰.

Бобнинг «Амалий лингвистика: фанлар интеграцияси» бўлими амалий лингвистиканинг «фанлараро аспектда тилга оид масалаларни кенг миқёсда тадқиқ этиб, уларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнини белгилашга қаратилган»²¹ лиги боис унда терминология ва таржимашунослик фанларининг ижтимоий аҳамияти ўрганилган.

Тадқиқотнинг «Гендерга оид терминларнинг шаклланишида лисоний омиллар» номли иккинчи боби ГТ дискурси терминлари²² тадқиқига бағишланади. «Терминология: концепт ва термин табиати» бўлимида анъанавий терминологияга (Вюстер, 1979) нисбатан когнитив терминологиянинг илмий ёндашуви ва танқидий қарашлари гендер терминлари мисолида тадқиқ этилган.

Анъанавий терминологияда инсон тафаккурининг концептларни номлашдаги ўрни эътибордан четда қолган. Унга кўра, концепт объектив борлиқда мавжуд, терминни номлашда бирламчи, масалан, *дискриминация* ёки *жинс* тушунчалари каби. Бироқ баъзи бир концептлар инсон фаолияти, тушуниш ва тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади. Айнан ГТ дискурси терминларининг кўпчилик қисми бирламчи, яъни уларга маълум бир функция бириктирилади, улар объектив борлиқда аввалдан мавжуд бўлмайди (*gender mainstreaming, gender rights, normal relationship, glass ceiling*).

Мазкур бобнинг «Асосий ижтимоий категориялар: NSM таҳлил» номли иккинчи бўлимида А.Вежбицкая томонидан киритилган NSM – табиий семантик метатилнинг²³ семантик примитивлар ва Ш.Сафаровнинг ибораси билан айтганда, “ибтидоий маъно бўлаклари”²⁴ асосида олиб борилган таҳлилининг герменевтик назария доирасидаги аҳамияти, унинг тегишли ижтимоий категорияларнинг прототипларини аниқлашдаги ўрни тадқиқ этилди. “Одам” лексик бирлигининг концептуал лексикографик таҳлили орқали унинг ҳам эркак, ҳам аёл тушунчаларини англатишига қарамасдан, андроцентризм ғояси устунлик қилиши кузатилган²⁵. Прототипларнинг “категорияга кирувчи барча объектлар учун умумий, энг кўзга ташланадиган хусусият ёки белгига эга бўлиши керак ва фақат шундагина у қиёслаш учун намуна хизматини ўтай олиши”²⁶ ҳақидаги илмий-назарий таърифи асосланиб, А.Вежбицкая ва К.Годард томонидан “man” (эркак) концептининг

²⁰ Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций / Под общ.ред. О.А.Ворониной. –М.: МЦГИ–МВШСЭН–МФФ, 2001. – С.5.

²¹<http://www.aal.org/?page=DefAPLNG>American Association of Applied Linguistics

²²ГТга оид терминлар БМТ тизимида ва халқаро ҳамжамиятда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (амалга оширишда)да фаол қўлланилади.

²³ Goddard C., Wierzbicka A. Men, women and children: the conceptual semantics of basic social categories. // Words and Meanings: Lexical Semantics Across Domains, Languages, and Cultures. – Oxford University Press, 2014. - p.124.

²⁴Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т., 2008. – Б. 262.

²⁵Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол.фан.номз. ... дисс. – Т., 2011. – Б.72-82.

²⁶Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.57.

NSM таҳлили, “аниқ формулалар”²⁷ мисолида “одам”нинг прототиби Одам Атога тенг эканлигини тасдиқлади.

«Гендерга оид терминлар системасининг шаклланиш хусусиятлари» номли бўлимда замонавий ихтисослашган терминлар системасини бойитувчи лисоний манба – гендерга оид луғат ва глоссарийларда транстерминлашув жараёни кузатилади. Жумладан, *андроцентризм* термини тилшуносликка ижтимоий фанлардан кириб келган ва тилда эркаклик олами тасвирининг устунлигини билдиради. Масалан, маскулин родга хос грамматик морфемаларнинг ҳар икки родга нисбатан умумий тарзда қўлланилиши каби.

Ўзбек тилшунослигида ҳам терминлар системасининг ички ва ташқи омиллар асосида бойиб, ривожланиб бориши ҳақидаги қарашлар бор. Масалан, У.Турсунов ўзбек терминологик тизимларининг ички имкониятларини қуйидагича эътироф этади: “ҳаётда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, фан ва техника ҳамда маданиятнинг ривожланиши тилнинг ички имкониятларидан максимал фойдаланишни тақозо этади”²⁸.

Гендер терминлар системасида бошқа соҳаларга тегишли терминлар бирикишидан ҳосил бўлган, семантик усулда ясалган “gender” компонентли бирикма терминлар миқдор жиҳатдан кўпчиликни ташкил этади: *gender* (гендер), *gender stereotypes* (гендер *стереотиплар*), *gender blindness* (гендер бефарқлик), *gender roles* (гендер *ролллар*), *gender audit* (гендер аудити).

ГТ дискурси нотерминологик маъноси иккиламчи бўлган *advocacy* (тарғибот, ҳимоя), *abuse* (сууистеъмол, ҳақорат), *violence* (зўравонлик), *equality* (тенглик), *family* (оила), *poverty* (камбағаллик), *norms* (меъёр), *discrimination* (камситиш) каби умумистеъмол сўзларни ўз ичига олади. Таъкидаш жоизки, ўзбек тилига терминологик маънода ўтган байналмилал терминлар кўп: *androcentrism* (*андроцентризм*), *androgyny* (*андрогиния*), *bisexuality* (*бисексуаллик*), *cisgender* (*цисгендер*), *convention* (*конвенция*), *conformism* (*конформизм*), *discrimination* (*дискриминация*).

Гендерга оид терминлар тузилишига кўра қуйидагича гуруҳланади: 1) содда терминлар: *family* (*оила*), *violence* (*зўравонлик*), *advocasy* (*тарғибот*), *feminism* (*феминизм*); 2) кўшма терминлар: *androgyny* (*андрогиния*), *androcentrism* (*андроцентризм*), *homosocial* (*гомоижтимоий*); 3) жуфт терминлар камчиликини ташкил этади: *хотин-қизлар*; 4) бирикма терминларнинг икки узвйдан етти узвлигача бўлганлари бор: *cast violence* (*каста зўравонлиги*), *fertile age* (*фертил ёш*), *gender analysis* (*гендер таҳлили*), *gender gap* (*гендер тафовут*); *gender focal point* (*гендер масалалари бўйича координатор*); 5) қисқартма терминлар: *CEDAW* (*Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция*). Терминнинг қисқартма шаклини ўзбек тилида қўллаш меъёрлаштириш тартибининг бузилишига олиб келади.

²⁷ Патрик С. Политическая лингвистика 1(35)2011. УрГПУ, Екатеринбург. Перевод с французского Е.Е.Аникина. Оксюморон или недопонимание? Универсалистский релятивизм универсального естественного семантического метаязыка Анны Вежицкой.

²⁸ Қаранг: Ўринбоев Б. Ўзбек терминологияси У. Турсунов талқинида // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. –Т., 2006. – Б.151.

Ушбу бобнинг «Гендерга оид терминларни изоҳлаш тамойиллари» номли бўлими анъанавий терминологияда концептнинг концептосферадаги “аниқ” ўрнини белгилашдаги изоҳталаб ҳолатлари, терминлар изоҳининг прототипик табиатини ўзида акс эттирувчи тамойилларини аниқлашга бағишланган.

ГТ дискурсига оид терминларга берилган таърифлар беш концептуал гуруҳга бўлиб ўрганилди:

1. Фаолият (activity – umbrella categories) – *empowerment, feminism, mainstreaming*.

2. Объект (жисм) (entity) – *gender, commission, committee, family*.

3. Субъект (individual) – *gender advisor, gender focal point, gender analyst*.

4. Ҳаракат (action) – *coercion, discrimination, suicide, violence, abuse, harassment*.

5. Муносабат (relations (sexual)) (айни вақтда субъектга ҳам тегишли бўлиши мумкин) – *homosexual, lesbian, bisexual, transsexual*.

Категориялар “кенгайган ва торайган” (extension vs intension)²⁹ изоҳларга нисбатан татбиқ этилди. Торайган изоҳ марказий концептнинг ўзига хос хусусиятларини унинг концептуал системада бошқа концептлардан ажратиб турувчи ўрнини белгилаш учун берилса, кенгайтирилган изоҳ концептнинг бир мазмун доирасидаги барча таснифи келтирилишини талаб этади. Шунга кўра, *gender, discrimination* ва *feminism* концептларининг объектив мавжудлигини ўрганиш мақсадида уларнинг анъанавий терминологияга нисбатан торайган ёки кенгайган изоҳга бўлган эҳтиёжи тадқиқ этилди. Бизнингча, анъанавий терминологиянинг концептни аниқлаш учун мантикий ва онтологик жиҳатдан тузилган концептосферадаги ўрнини белгилаши – “аниқ ажратиб кўрсатиш” ижтимоий-гуманитар фанларга тўлалигича хос эмас, зеро, изоҳлаш *тушуниш ва билимнинг* асоси бўлган узлуксиз жараёндир.

*Гендер (gender)*ни аёл ёки эркакка тегишли ядровий концепт сифатида унинг бир горизонтал тизимдаги ўзига хос икки хил таснифини, яъни концептнинг концептосферада бошқа концептлардан айри ҳолда намоён бўлишини (торайиш – intension) кўрсатиш мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Гендер ва жинсни фарқловчи хусусиятлар

	Гендер	Жинс
Фарқли хусусиятлар	Эркак ва аёллик ҳолати (одатда, биологик фарқдан кўра ижтимоий ва маданий фарқларга нисбатан кўлланади)	Биологик фарқларига кўра одамзод ва бошқа тирик мавжудотнинг икки асосий категорияга (аёл ва эркак) бўлиниши

Шу ўринда О.Ахмедов содда туб терминларнинг концептуал структуравий шакли морфологик дериватив нуқтаи назардан ўзгармай

²⁹Temmerman R. Towards new ways of terminology description. The sociocognitive-approach. – John Benjamins B.V. 2000. – p. 7.

қолишини таъкидлайди, зеро, “улар соҳа терминларининг илмий жиҳатдан ўрганилишида «кам ахборотли», яъни ягона изоҳли терминлар ҳисобланади»³⁰.

Дискриминация – *discrimination* (шахсининг ирқи, ёши ва жинсига кўра адолатсиз ва салбий *муносабат*), аниқ концептуал структурага эга бўлмагани каби унга ядровий терминлик хусусияти хос эмас. Гарчи дискриминация адолатсиз ва зарарли муносабат бўлса, унинг ГТ дискурси доирасида концептосферанинг бир хил горизонтал тизимида мавжуд *муносабатлардан* ажрата олиш имконияти бўлиши даркор. Терминга таъриф ички (*intra*) ва ўзаро (*inter*) категориялаштириш асосида муаллифнинг техникаси ва методига кўра турлича берилиши мумкин.

Феминизм ядровий концепт сифатида намоён бўлиш хусусиятига кўра, унинг кенгайтирилган изоҳга эҳтиёжи кўпроқ сезилади.

Тўртинчи бўлимнинг биринчи қисми «Гендер ўзликка оид терминлар»га бағишланиб, унда терминларни меъёрлаштириш масалалари ўрганилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида *бесоқолбозлик* терминининг (гомосексуализмдан фарқли равишда) нотўғри берилиши орқали терминларни ноўрин қўллашга олиб келиши айтилган. Шунингдек, “Бобурнома”да³¹ *бесоқолбозликнинг* чухрабозлик (*catamites*) сифатида берилиши уларнинг муқобил тушунчалар эканлигини тасдиқлайди.

Тўртинчи бўлимнинг иккинчи қисмида ГТ дискурсига оид терминларнинг *сўздан амалиётга* концепцияси доирасидаги хусусиятлари тадқиқ этилган. Гендерга оид терминлар онгли равишда маълум бир контекстда янги концептни номлаш орқали яратилганлиги боис *мотивлашган* (*motivated*), шу билан бирга, *йўналтирилган* (*oriented*) хусусиятга эга бўлади. Бироқ баъзи ҳолларда адресат терминнинг ушбу хусусиятидан беҳабар бўлганлиги боис муаллиф назарда тутган мақсаддан фарқли равишда уни нотўғри қўллаши мумкин. Масалан, адресат *gender blind*³² (гендер бефарқлик) терминини аёл ва эркекларнинг биологик, жисмоний ва ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда уларга нисбатан ҳар хил ёндашувни талаб қилмайдиган позитив сиёсат сифатида тушуниши мумкин.

Гендерга оид терминларнинг махсус соҳада махсус концепт ва категорияларни очишга хизмат қилувчи номинатив ва сигнификатив функцияси билан бирга, уларнинг коммуникатив ва ахборот узатувчи функциясини қайд этиш жоиз. Зеро, улар махсус концепт тўғрисидаги ахборотни сақлаш ва унга нисбатан муносабат (*feedback*)ни тақозо этади. Шу ўринда коммуникатив функция прагматик функцияга боғлиқ, белгининг коммуникация иштирокчиси билан маълум бир вақт ва шароитдаги ўзаро

³⁰Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол.фан.д-ри. ... дис. – Т., 2016. – Б. 62.

³¹Заҳриддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано. – Т.: Шарқ. 2002; The Baburnama. Memoirs of Babur.Prince and Emperor. Translated, edited, and annotated by: Wheeler M. Thackston. 2002.

³²*gender blind* сиёсати – кво (муқим, ўзгармас) ҳолатни қўллаб-қувватловчи, аёл ва эркекларнинг биологик, жисмоний ва ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда, уларга нисбатан ҳар хил ёндашувни талаб қилмайдиган сиёсат.

алоқаси билан белгиланади, мавжуд концепт тўғрисидаги ахборот ҳамда тегишли ассоциацияни келтириб чиқаради.

ГТ дискурсига оид терминларни мутахассислар томонидан онгли равишда яратиш жараёни Ирқий дискриминацияга барҳам бериш Кўмитасининг баённомасида келтирилган мисоллар асосида кузатилди (2009 йил 20 февралдаги баённомаси). Шу муносабат билан “вақтинчалик махсус чоралар” (*temporary special measures*) термини таҳлилга тортилди.

Бобнинг «Метафоралар орқали тушуниш: термин-метафоралар» номли бўлимида “тушуниш” когнитив тадқиқотлар, хусусан, когнитив тилшуносликнинг асоси сифатида тадқиқ этилди. Қайд этиш жоизки, бундай қараш ГТ дискурсида ҳам фаол қўлланади.

Гендер метафораси маданий, ижтимоий ва сиёсий воқеликни концептуаллаштиришда кузатилади. Масалан, ўзбек тилида Ватан тушунчасини она билан қиёслаш *она Ватан, она юрт, она замин*, инглиз тилида эса *the mother of parliaments* тарзидаги метафорик ифодаларнинг мавжудлиги бу тилларнинг ички имкониятларини намоён этади.

Тадқиқот давомида “иккиламчи термин”лар (метафорик маъноларга эга бўлган)нинг³³ терминлик вазифасидаги ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилди. Термин-метафораларнинг экстралингвистик омиллар асосида ҳосил бўлишида “Нима учун?” ва “Қандай?” саволларига жавоб бериш билан бирга, икки маданиятда *second shift (иккинчи смена)* терминининг ўзига хос хусусиятлари кузатилди. Ушбу термин Европада аёлларга юклатилган иккиёқлама вазифа – хизмат (карьера) ва уй юмушларини (фарзанд тарбиясини ҳам ўз ичига олади) англатса, Шарқда аёлларнинг *келин* ижтимоий мақомига эга бўлиши уларга нисбатан *third shift (учинчи смена)* учёқлама вазифани тасвирлаш учун қўлланиши мумкин. Бу эса маданиятлараро “*mommy’s tracks*” – “оналар йўли”нинг фарқлигини кўрсатади.

Экстралингвистик омиллар сабабли аёлларга нисбатан “кўринмас тўсиқлар”ни ифодалашда қўлланадиган *glass ceiling, bamboo ceiling, sticky floor, broken ladders, locked doors, frozen middle* каби метафорик терминлар бир хил принцип бўйича мотивлашган терминологик гуруҳни ташкил этади ва терминларнинг синонимик қаторини бойитади. *Glass ceiling* – *ойнали тўсиқ* идиоматик терминини *bamboo ceiling (бамбукли тўсиқ)* тарзида осийлик америкаликларга нисбатан қўлланиши терминни концептуаллаштиришда миллий-маданий хусусиятларнинг муҳимлигини кўрсатади.

Лингвистик белгиларни маданий белгилар ўрнида талқин этиш муҳим маълумотларни берди ва Ф.Ницшенинг “аслида бизни қамраб турган борлиқ метафорик, ўзининг асл моҳиятига тўғри келмайди”³⁴, деган фикрини тасдиқлади. Шу тариқа *гендер роллари* лингвистик белгилар бўлган фонема ва морфемалар мисолида талқин этилиб, атрибути фонемалардан ташкил

³³Типы языковых парадигм: Сб. науч. ст.– Свердловск, 1990. – 132 с.

³⁴Ницше Ф. Об истине и лжи во вне нравственном смысле) // Полн. собр. соч. Т. 1.– М., 1912. – С. 396.

топган морфемаларга³⁵ қиёсланди ҳамда “феминин” ва “маскулин” категориялар алоҳида гендер ролларни ифодалай олмаслиги асосланди.

Бугунги кунда “когнитив психология ва тилшунослик фанларининг ривожига категориялаштириш фаолиятининг ички қонуниятлари ҳамда асосий тамойилларини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Зеро, категориялаштириш ақлий ментал ва лисоний жараёнди³⁶. Иккинчи бобнинг сўнгги бўлимида тилнинг когнитив потенциали Ж.Лакоффнинг “биз билимларимизни идеаллашган когнитив моделлар (ИСМ) ёрдамида ҳосил қиламиз, бунда категориялар структураси ва прототиплар ушбу ҳосиланинг натижаси ҳисобланади”³⁷, деган фикрига асосланган ҳолда тадқиқ этилди. ИСМнинг таркибий қисми бўлган фрейм структураларининг инсон ҳуқуқларига оид матнларда маълум бир категорияни “тушуниш”даги муҳим аҳамияти тўғрисидаги фараз “дискриминация” терминининг 90 дан ортиқ фрейми гештальт-моделли асосидаги таҳлили орқали исботланди. Бу каби таҳлиллар, ўз навбатида, таржимон ва терминолог учун маълум бир дискурста терминларини яратиш ва киритишда маълум стратегияни танлашга асос бўлиши табиий.

Дискриминация категорияси бевосита ва билвосита кўринишда қуйидаги фреймлар асосида намоён бўлади³⁸:

УМУМИЙ ШАКЛЛАРИ:
<i>ёш, каста, синф, ранг, лаёқатсизлик, генотип, бўй, тил, ташқи кўриниш, ақлий қобилият, ирқ, миллат, дин, жинс, жинсий мойиллик.</i>
МАХСУС ШАКЛЛАРИ:
1) ижтимоий шакллари: <i>ОИТСга қарши кураш, аутизм, уйсизлик, чапақайликка қарши кураш, гетеронормативлик, гомофобия.</i>
2) кўринишлари: <i>Синфлар тўқнашуви, меҳнат, аёллар савдоси, қуллик.</i>
3) қарши курашиш чоралари: <i>Дискриминацияга қарши қонун, инсон ҳуқуқлари, жинслар тенглигига комплекс ёндашув, халқаро ҳуқуқлар, миллатлараро интеграция, ижтимоий интеграция, бағрикенглик.</i>
<i>CEDAW Конвенцияси дискриминацияга қарши қуйидаги фреймлар асосида фаолият кўрсатади:</i> <i>гендер стереотиплар (5а-модда)</i> <i>фарзанд тарбиясида гендер роллар (5б-модда)</i> <i>аёллар савдоси ва фоҳишалик (6-модда)</i> <i>миллат (9-модда)</i> <i>таълим (10-модда)</i>

³⁵Bruner, J. J. Goodnow and G. A. Austin. A Study of Thinking. New York, John Wiley & Sons, Inc., 1956. - p.54.

³⁶ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.54.

³⁷Lakoff G. Women, Fire and Dangerous Things. – Chicago: University of Chicago press, 1987.- p.68.

³⁸ Дискриминация категориясининг умумий ва махсус шакллари, кўринишлари, қарши курашиш чоралари таркибига кирувчи фреймлар *Wikipedia.com* манбасидан олинган.

меҳнат (11-модда)
соғлиқни сақлаш хизмати (12-модда)
манбалар устидан ҳуқуқ (13-модда)
қишлоқ аёллари (14-модда)
фуқаролик (15-модда)
никоҳ ва оилавий муносабатлар (16-модда)

Диссертациянинг учинчи боби «Гендерга оид терминологик бирликларни таржима қилиш тамойиллари» деб номланган. Бобнинг «Гендерни таржима қилиш аспекти» бўлимида гендернинг матннинг тури, тили ва бошқа қатор нолисоний омилларга кўра таржима амалиёти билан боғлиқ муаммолари тадқиқ этилган. Ўзбек тилшунослигида гендер омилнинг таржимада берилиши атрофлича ўрганилмаган. У ёки бу тилда *гендер (род)* грамматик категориясининг йўқлиги айна тилларнинг ўзига хос морфологик жиҳатидир. Шундай бўлса ҳам бу тилларда мутлақо гендерга хос жиҳатлар йўқ дегани эмас, у мавжудотларнинг табиий жинси билан боғлиқ тушунчавий категориядир.

«Гендерга оид терминларни таржима қилиш хусусиятлари» бўлими гендерга оид терминларни ўзбек тилига таржима қилиш муаммоларига бағишланган. Таржима, гендер ва мафкураларнинг ўзаро таъсири гендерга оид терминларни тадқиқот объекти сифатида ўрганишни тақозо этади, гендер тадқиқотлари ва таржимашуносликнинг ўзаро алоқадорлиги маданиятлар ривожига тенгдир, чунки таржимада гендерни тадқиқ этиш муҳим маданий муаммоларни юзага чиқаради³⁹.

Тадқиқот давомида бир қатор таржима усулларига асосланиб, баъзи ҳолларда ўзбек тилида ифодаланган гендерга оид терминларнинг аслиятдаги тўлиқ маъноларни бера олмаслиги кузатилди. ГТ дискурсининг муҳим терминларидан бири, *тамга (stigma)* ва *зўравонлик (violence)* тушунчалари билан бир семантик гуруҳда мавжуд бўлган *гендер стереотиплар (gender stereotypes)* ўзбек тилида *андозалар, қолип, тип* тарзида таржима қилинади ва «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция» (CEDAW, 5-модда, 1-қисм)да назарда тутилган мазмунни тўлиқ акс эттира олмайди. Демак, ушбу терминнинг семантик деривацияга учраган ҳолда дискриминацияни ёқловчи ҳар икки жинсга тегишли бўлган ғояни⁴⁰ ифодалаш вазифаси эътибордан четда қолган.

Конвенция матни таржимасида *equity (адолат)* ва *equality (тенглик)* каби тушунчаларни бир хил мазмундаги тушунчалар сифатида талқин этиш изоҳталаб. Муайян дискурсда маълум бир терминнинг семантик деривациясини англашда таржимоннинг соҳа мутахассиси бўлиши талаб этилади.

Бобнинг «Гендер ўзликка оид терминларни таржима қилиш» бўлимида аслиятдан ГЛБТ (ноанъанавий жинс вакиллари ифодаловчи тушунчалар)га оид бўлган терминларни лисоний олам тасвири ва когнитив моделлари

³⁹Marcella De Marco. Audiovisual translation through a gender lens. Amsterdam-NY, 2012.- p.25.

⁴⁰UN Women Glossary of Gender-related Terms and Concepts // <https://trainingcentre.unwomen.org>

турлича бўлган тилга таржима қилиш муаммолари тадқиқ этилган. Бироқ шахвоний хусусиятга оид терминларни таржима қилиш шахсий, сиёсий ва мафкуравий асосларда баъзи бир муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслик керак, чунки “жинс ҳар қандай маданиятнинг энг ҳиссий нуқталаридан бири, таржима қилинаётган маданиятнинг кўрсаткичи сифатида намоён бўлади”⁴¹. Шунга кўра муаммоли масалаларни келтириб чиқарувчи омиллар сифатида қуйидагилар белгиланди:

– Ўзбекистонда гендер масалалари, асосан, аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига оид дискурсга қаратилади;

– ҳар бир табиий тилда ўзига хос усулда шакллантирилган “лисоний олам тасвири”нинг мавжудлиги;

– аслият ва таржима тиллари вакилларининг ижтимоий келиб чиқиш даражаси;

– гендерга оид терминларнинг ўзбек тилига таржимаси борасидаги сиёсатга мос ёндашув (нутқий ҳушёрлик) масалалари;

– изоҳталаб концептлар когнитив моделларининг қанчалик мураккаб эканлиги, уларни тушуниш ва қўллашда муаммоларнинг келиб чиқиши;

– жинсга оид тилни мутахассис ёки номутахассис томонидан тушуниш ҳамда яратиш;

– гендерга оид терминларнинг жинсий коннотациясини йўқотиш ёки соддалаштириш масалалари (доим ҳам муқобил ечим бўлолмайди).

Бобнинг учинчи бўлими инсон ҳуқуқларига оид матнларни таржима қилиш муаммоларига бағишланган. Хусусан, гендер дискурси терминларининг бевосита ёки билвосита *дискриминация* яхлитловчи семасининг идеаллашган метафорик моделлари шакллантирилади. Замонавий таржимашунослик матн таҳлили учун ўзига хос *моделлар* яратишда когнитив назария ёндашувини ёқлаш фикрини қўллаб-қувватлаб, “инсонни ўраб турган олам нега (бошқача эмас) айнан шундай кўринади, талқин этилади ва тушунилади?” деган тахминларни⁴² илгари суради.

Гендерга оид терминлар глоссарийсини ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида Скопос назариясига мувофиқ инсон ҳуқуқларига оид матн – “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция”га мурожаат қилинди. Дискриминация терминининг когнитив модел ва фреймлари унга алоқадор бошқа тушунчаларни ёритувчи унсур сифатида таҳлил қилинди, чунки терминнинг ўзи миллий ва халқаро миқёсда муҳокама этилаётган гендер масалаларининг “калит”и ҳисобланади. Шунга кўра дискриминация терминининг денотатив тасвирловчилари Британия Миллий корпуси (BNC) асосида шакллантирилди. Бунда инсон ҳуқуқларига оид муқобил ва тушунарли бўлган таржимани амалга ошириш мақсадида герменевтик ёндашув қўлланилди, яъни бутундан қисмга ва қисмдан бутунга тамойили асосида иш кўрилди⁴³.

⁴¹Gender, sex and translation. The manipulation of identities // Jose Santaemilia. – Manchester, UK 2005. -p. 3.

⁴²Кубрякова Е.С. Язык и знание: на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. Издательство. Языки славянской культуры. – М., 2004. – С. 64.

⁴³Anthony C. Thiselton. Hermeneutics: An Introduction. Wm B.Eerdmans Publieligion 2009. - 424p.; Жўрабоев О. Матнни англаш сиралари. http://fikir.uz/blog/Milliy_goya_va_mafkura_ilmiy-amaliy_markazi/matnni-anglash-

Инсон ҳуқуқларига оид матнларни таржима қилишда метафора назариясининг татбиқ этилиши таржимонга матн муаллифининг лисоний олам тасвири тўғрисида етарли маълумот олиш имконини беради.

Метафоранинг дескриптив назариясига кўра сигнификатив дескрипторларнинг тематик алоқадор майдонлари “метафорик модел”ларни шакллантиради. Метафорага оид тушунчалар ва уларнинг кундалик фаолиятимизда қандай шаклланишини тушунтириш мақсадида қуйидаги концептуал метафоралар ишлаб чиқилди: *Дискриминация – душман – Discrimination is the enemy; Дискриминация – таҳдид – Discrimination is a threat.*

Концептуал метафоранинг бошқа бир тури ориентацион (йўналтирувчи) метафоралар (Lakoff ва Johnson) бўлиб, улар жисмоний тажрибага асосланади ва бир-бирига алоқадор тушунчаларнинг бир бутун тизимини ташкил қилади. *Under Discrimination Act – Дискриминация тўғрисидаги қонунга кўра* (сўзма-сўз “дискриминация тўғрисидаги қонун остида”) бирикмасининг корпусда қўлланиш частотасининг юқорилигига кўра қуйидаги метафорик моделлар шакллантирилди: *Дискриминация қонун остида – Discrimination is under the law; Қонун устун – Law is up; Дискриминация пастда (қуйида) – Discrimination is down; Тенглик юқори, дискриминация пастда – Equality is up, discrimination is down.*

Метафоралар инсон тажрибасига боғлиқ бўлганлиги боис эмоционал, жисмоний ва ижтимоий асосларга эга бўлиши мумкин. Дискриминацияни нафратга тенглаштириш тенденциясининг мавжудлиги *Тенглик яхши, камситиш ёмон – Equality is good, discrimination is bad* метафорасига мос келади.

Тажрибамизни объект ёки жисмлар шаклида янада рационал тушуниш категориялаштиришнинг ўзига хос хусусияти: *Қонун жисмдир (модда) – Law is an entity; Дискриминация қонуни жисмдир – Discrimination act is an entity.*

Дискриминация қонуни – Discrimination act тушунчаси метафоралар орқали қуйидагича шакллантирилиши мумкин: *Қонун кучдир – Law is a power; Қонун – модда – Law is a substance; Қонун – контейнер – Law is a container; Қонун – шахс – Law is a person* ва бошқалар.

Юқоридаги таҳлиллар тил структурасининг дидактик метафорик моделларни гештальт структураси орқали таъминлашининг схематик аксини ифода этиб, таржимоннинг халқаро ва миллий контекстда инсон ҳуқуқларига оид масалаларда дискриминациянинг концептуал категорияларини қиёсий ўрганиши таржима тилида тўғри стратегияни белгилаб олишида самарали восита бўлади.

Диссертациянинг «**Гендер тенглигига комплекс ёндашув дискурси**» деб номланган тўртинчи бобида дискурсда гендер, гендер аспектида лисоний нисбийлик назарияси, гендерга оид термин ва тушунчалар луғатини тузиш каби муаммолар тадқиқ этилган.

[sirlari.html](#); Жабборов Ш. Герменевтика – тушунтириш илми / Ўзбекистон Респ. Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Ўзбекистон Респ. Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни мувофиқлаштиришни ривожлантириш қўмитаси. – Т.: Akademiya, 2010. – 152 б.

БМТ Аёллар глоссарийсида ГТ қуйидагича изоҳланади: “Бу шунчаки мақсад ёки вазифа эмас, балки (БМТ томонидан танланган) эркаларга нисбатан кўпроқ хотин-қизлар учун тенгликни таъминловчи стратегиядир”.

Таҳлилларимиз давомида ГТ дискурсини ҳосил қилувчи қуйидаги категориялар белгиланди. Жинсий мойиллик ва гендер ўзлик (*sexual orientation and gender identity*) категориясининг ажратиб кўрсатилганлиги уни *сўздан амалиётга* концепциясига мос келмаслиги, шунингдек, “ўзга” маданиятга хос эканлиги билан тушунтириш мумкин. Барча категориялар психологик, маданий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда дискриминацияни бартараф этиш мақсади остида жамланади:

Таълим

Сиёсат

Фавқулодда вазият

Тинчлик ва муҳофаза

Жинсий ва репродуктив саломатлик

Жинсий мойиллик ва гендер ўзлик

Инсон ҳуқуқлари

Аёлларга қарши зўравонлик

Аёлларнинг иқтисодий ваколатлари

Макроиқтисодиёт

Гендерга оид дискурс очик система, унинг фанлараро хусусияти гендерологиянинг ажралмас қисми сифатида лингвистик таҳлилни ҳам ўз эътиборидан четда қолдирмайди. Ижтимоий фанлар дискурсининг табиий фанлар дискурсидан асосий фарқи шундаки, ижтимоий фанларнинг ўз-ўзини бошқариш хусусияти ташқи омиллар ҳисобига тўлдириб борилади, инсонлар онгли равишда жамиятда фаол, мавжуд хулқ-атвор меъёрлари ва миллий қадриятларга амал қилган ҳолда муайян мақсад қўйишади. Шунга кўра, ўз-ўзини бошқариш ва ташқи таъсир омилларининг узвий боғлиқлиги ижтимоий гендер дискурси ривожининг асоси ҳисобланади.

Тўртинчи бобнинг «Гендерга оид миллий дискурсни яратишда “ўз” ва “ўзга” маданият» бўлимида дискурсив ёндашувга асосланган ҳолда⁴⁴, Ўзбекистон ижтимоий-маданий муҳитида гендерга оид дискурсни яратишда тилнинг потенциали борасидаги муаммолар таҳлил этилади. Сир эмаски, халқаро ижтимоий-маданий майдонда фаолият кўрсатиш, бир томондан, Ғарб маданиятининг айрим белгиларини, иккинчи томондан, цивилизациянинг маданий негизини ташкил этадиган айрим қадриятларини ўзлаштиришни тақозо этади.

Бугунга кунда мамлакатимизда гендер муносабатлари нафақат ташқи таъсир ва омилларга, балки ўзига хос иқтисодий (аҳолини иш билан таъминлаш тизимининг ўзгариши), сиёсий (жамиятни демократизациялашда халқаро тажрибаларга суяниш ва барча жабҳаларда тенгликка эришиш) ва ижтимоий (уй зўравонлиги, фертил ёши ва аҳолининг умр кўриш даврини

⁴⁴Scollor Ron, Wong Scollon Suzanne. Intercultural Communication: A Discourse Approach. Second Edition. — Blackwell, 2000. -316 p.

узайтириш) жабҳаларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш сиёсатига асосланган.

Таржима назариясининг фундаментал концепцияларидан бири Скопос⁴⁵ назариясига асосланган ҳолда тилнинг (терминолог ва таржимон мисолида) маълум контекстда маълум дискурсни яратишда қуйидаги омилларни эътиборга олиши таъкидланади: ўзлаштирилаётган гендерга оид ғоя ва қадриятлар миллий, ижтимоий-маданий контекстда, ташқи ўхшашликни сақлаган ҳолда, баъзи бир ўзгаришларни талаб этади; жамият ўзининг фундаментал миллий қадриятларига асосланиб, “ўз” ва “ўзга”⁴⁶ маданиятни синтез қилиш орқали миллий маданиятини яратади.

Бобнинг «Гендер аспектида лисоний нисбийлик назарияси» бўлимида этнолингвистика, психоллингвистика ва когнитив семантиканинг долзарб объектларидан бири бўлган лисоний категорияларнинг оламни идрок этишга, хусусан, “оммавий маданият”га таъсири муаммолари тадқиқ этилади.

Маълумки, лисоний нисбийлик назарияси⁴⁷ бир қатор лингвистик тадқиқотлар билан бирга тилнинг феминистик танқидига ҳам асос сифатида хизмат қилган. Унга кўра, тилда гендер номутаносибликни – андроцентризмни енгиш мақсадида ўзига хос ислохотлар талаб этилади. Масалан, инглиз тилида сўз ясовчи элементларнинг ўрин алмашиши: - *man* нинг - *person*га ва ҳ.

Лисоний нисбийлик назариясининг “тил вакилларининг онги улар қўллаётган тил бирликларига боғлиқ”, деган ғоясини эътиборга оладиган бўлсак, ҳимояланмаган ёшлар онгига гендер ўзликка оид терминларнинг таъсири ва унинг оқибатини ўрганиш бугунги кунда баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим жиҳатларидан бири. Зеро, ҳар хил мақсадларда “жинс”ни кўрсатишни талаб этувчи турли хил саволномаларда тавсия этиладиган гендер ўзликка оид тушунчаларнинг қай даражада ёшлар онгида тўғри талқин этилиши, шунингдек, жамиятнинг ушбу тушунчаларни термин даражасида адекват “тушуниши” катта аҳамиятга эга.

Тилни инсон билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, инсон онги, дунёқараши, рухий ва амалий фаолиятини ўрганишга йўналтирилган масалалар, шубҳасиз, тилнинг терминологик қатламида ўз аксини топади. «Терминография дискурс яратишнинг воситаси сифатида» номли иккинчи бўлимда гендерга оид миллий характердаги энциклопедик луғат тузишнинг мақсади, БМТ тизимида жорий этилган гендерга оид терминологияни меъёрлаштириш билан бирга, тилнинг ГТ дискурсини ҳосил қилишида, хусусан, хотин-қизларга оид ижтимоий муаммоларни ҳал этишидаги когнитив потенциали каби муаммолар тадқиқ этилган.

Гендер тадқиқотларига оид тушунчаларнинг асосан инглиз тилидан кириб келганлиги ва уларнинг қисман ўзбек тилига ўзлаштирилиши гендерга

⁴⁵ Katharina Reiss, Hans Josef Vermeer. Towards a general theory of translational action: Skopos theory explained. St. Jerome Publishing, 2013. 221p; Vermeer Hans J. “Skopos and Commission in Translational Action”. Venuti Lawrence. The translation studies reader. Oxon: Routledge. 227-238. 2004. Web. 01.09.2015.

⁴⁶ Казакова Е.А. Теоретические подходы рассмотрения дуальности «свое» и «чужое». Вестник ЧелГУ, 2014. – № 11(340). – С. 120-125.

⁴⁷ Edward Sapir. The Status of Linguistics as a Science // Language, Vol. 5, No. 4 (Dec., 1929), 1929. - p.69.

оид терминосистемани яратишнинг асосий муаммоларидан биридир. Улар нафақат аёллар муаммосини кўтарувчи гендер тадқиқотларига доир, балки Шарқ ва Ғарб феминистик дискурсларига оид манбалардан олинган. Шу ўринда феминист матнлари онтологияси муаллифлари Е.Здравомыслова ва А.Тёмкиналарнинг гендер дискурсига нисбатан “ўз-ўзини тартибга солувчи хаос бўлганлиги боис муаллиф-таржимондан катта масъулиятни талаб этади, чунки айнан у янги соҳа категориал аппаратини яратувчиси бўлиши мумкин”,⁴⁸ деган фикри ўринлидир.

Луғат замонавий жамиятдаги “маданий бурилиш” ортидан пайдо бўлган “гендер бурилиш”нинг (жамиятга янгича қараш) муҳим жиҳатларини инобатга олган ҳолда матбуот, тиббиёт, тилшунослик, адабиёт, сиёсат, қонун, тарих ва бошқа соҳаларга оид муаммоларни ёритувчи тушунча ва терминларни қамраб, гендерологиянинг “жонли” ва ривожланаётган фан сифатида намоён этади.

«Профессионал тажриба ва рефлексив онг» номли учинчи бўлимда гендерга оид терминларнинг номинатив белгилар сифатида махсус семиотик майдонда профессионал коммуникатив тилни яратишдаги аҳамияти, шунингдек, концептларни номлашда онг ва фаолиятнинг кўрсаткичи сифатида намоён бўлиши хусусиятлари тадқиқ этилган. Фақатгина профессионал соҳада терминлар тизимлилик хусусиятига эга, ўзларининг ориентацион хусусиятлари орқали белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Кенг маънода, гендер “когниотип”⁴⁹, яъни махсус типдаги матнларни яратиш ва тушунишда ментал лингвистик фрейм ва ментал лингвистик модель сифатида намоён бўлади.

«Олий таълим тизимида гендер интеграл ёндашув» бўлимида ҳар хил соҳаларда гендер дискурсини яратишда таълим тизимида махсус гендер назариясига оид курсларни жорий этиш эҳтиёжи ҳақида сўз боради. Бу каби курсларни нафақат олий таълим тизимида, балки мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, жорий этиш жамиятнинг гендер муаммосига муносабатини тўғри шакллантиришга ёрдам беради.

Хусусан, гендер тадқиқотларини академик соҳага жорий этиш мақсадида олий таълим муассасалари қошида миллий ва халқаро контекстда Амалий лингвистика доирасида гендер назарияси муаммоларини тадқиқ этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Гендер тадқиқотлари марказини ташкил этиш ва янги ўқув дастурларини киритиш; ўзбек тилида соҳалараро гендерга оид терминлар луғатларини тузиш; тилнинг ижтимоий-маданий соҳа тараққиётига таъсири тенденцияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалар сирасига киради.

⁴⁸Здравомыслова Е., Темкина А. Введение. Феминистский перевод: текст, автор, дискурс // Хрестоматия феминистских текстов. Переводы. под ред. Е.Здравомысловой и А.Темкиной. Санкт-Петербург, 2000. – С.20.

⁴⁹Баранов А. Г. Когнитивные механизмы текстовой деятельности. // Вестн. Пятигор.гос. лингвист, ун-та, 1999.– № 2. – С. 33-39.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда гендерга оид масалалар “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция”га (CEDAW), шунингдек, жамият манфаатига хизмат қилувчи миллий қадрият ва анъаналарга асосланган.

2. Гендерология соҳалараро фан, унинг терминосистемаси мавжуд тил ва инсон ҳуқуқларига оид дискурса самарали коммуникацияни амалга оширувчи когнитив механизм сифатида намоён бўлади. Гендерга оид терминларнинг катта қисми консубстанционал, яъни умумадабий тилга хос сўзлар билан ўзаро семантик деривацияга учраши оқибатида илмий, публицистик, расмий ва сўзлашув каби услубларда фаол қўлланади.

3. Транстерминлашув, таржима, мотивлаш, метафоризация, деривация, лисоний нисбийлик назарияси ва ҳ.лар гендерга оид терминологияни шакллантирадиган муҳим лисоний омилдир. Объектив ҳақиқат, биологик омил, дин, замон, макон, адресант, адресат, маданият, менталитет, онг, шахс, гуруҳ, жамият, ижтимоий институтлар лисоний омилларга узвий боғланган экстралингвистик омиллардир. Ишда тилнинг когнитив потенциали қайд этилган омилларнинг барчасини инобатга олиб фаолият кўрсатадиган муҳим лисоний омил сифатида тадқиқ этилди.

4. Ўзбек тилида барча тиллар каби гендерга оид терминларнинг шаклланиши инсон пайдо бўлганидан бошлаб, аёллик ва эркаклик оламларини тасвирловчи тушунчавий категорияларнинг семантик деривациясига асосланади. Шунга кўра, гендерга оид терминлар тил системасининг бошқа бирликларидан унчалик мураккаб бўлмаган семантик тузилмаси билан ажралиб туради ва ундаги барча терминларни инсон ҳуқуқларини поймол этмаслик сари бирлаштирувчи *дискриминация* семаси асосида бирлаштириш мумкин.

5. ГТ дискурси миқёсидаги терминларнинг ориентацион хусусияти нафақат лингвистик, балки психоллингвистик, социоллингвистик, лингвомаданий ва прагматик жиҳатдан ўзига хос, “сўздан амалиётга” концепцияси доирасида фаолият кўрсатади.

6. Гендерга оид метафора-терминлар-неологизмлар (*genderlect, conformism, glass ceiling, frozen middle, sticky floor, leaky pipeline, etc.*), фрейм ва идеаллашган когнитив моделлар (ICM) тилни ижодий фикрлаш ва тушунишнинг маҳсули сифатида тасаввур қилишга имкон беради.

7. Гендерга оид терминологиянинг ижтимоий фанлар соҳасида пайдо бўлиши ва ривожланиши когнитив фан назарияси ва ўзига хос миллий маданият, тил ва тажрибага асосланган. ГТ дискурси, бир томондан, жамиятнинг заиф қатламини ҳимоя қилиш борасида умумий характерга эга бўлса, иккинчи томондан, гендер дискурсининг “ўз” ва “ўзга” маданиятни синтез қилиш орқали фаолият кўрсатиши унинг ҳар хил жамиятда турлича бўлишини тақозо этади. Бироқ умумбашарий “*тушуниш*”га эришишда,

албатта, инсон ҳуқуқларига оид миллий-когнитив моделлар халқаро ғояларга мос бўлиши керак.

8. Когнитив тилшунослик методлари инсон ҳуқуқларига оид матнлар таржимаси билан боғлиқ муаммоларга ечим топишга кўмак беради. Ишлаб чиқилган когнитив моделлар маълум концептнинг муайян жамиятдаги аҳамиятини белгилайди. Эришилган янги билимлар орқали мавжуд категориянинг икки хил маданиятдаги мазмунини қандай лингвистик белгилар орқали ёритилиши билан бирга яратилаётган таржима тилининг функциясини ҳам аниқлаш муҳим.

9. Метафорали идеаллашган когнитив моделлар (ICM), фрейм, прототип ва табиий семантик метатил (NSM) оламни категориялаштириш ва концептуаллаштиришда, шунингдек, “тушуниш”га осон эришишда қулай дидактик методлар сифатида намоён бўлади. Гендерга оид терминларни ушбу моделларга татбиқи асосида юзага келган “ҳар хил тафаккур – ҳар хил когнитив моделлар” фарази жамиятнинг лисоний олам тасвирини очишга хизмат қилади. Шунга кўра, гендерга оид терминларни таржима қилиш инсон тажрибасига асосланган тафаккурга боғлиқ бўлади.

10. Прототип қурилмага эга бўлган терминларнинг полисемантик хусусиятга эга бўлиш эҳтимоли юқори. Терминлар прототиплик хусусиятига эга бўлиши, турли хил концептуал гуруҳларда мавжуд бўлиши, шунингдек, *ички (intra)* ва *ўзaro (inter)* категорияларга гуруҳланишига кўра *кенгайган ёки торайган (extension vs intension)* тамойиллари асосида изоҳланиши мумкин.

11. Гендерга оид дискурс умумбашарий инсон ҳуқуқларига оид матн сифатида турли тизимдаги лингвомаданиятлар орасидаги ижтимоий муносабатлар манбаи ҳисобланади. Лисоний нисбийлик назариясини эътиборга олган ҳолда гендерга оид терминларни меъёрлаштириш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб, “ўзга” маданиятнинг салбий оқибатларини бартараф этишда терминолог, таржимон, тилшунос ва мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиги талаб этилади.

12. Терминология ва таржимашунослик фанлари муайян дискурсив назарияни шакллантиришда муҳим омил бўлиб, тилнинг бу имконияти жамиятни халқаро ҳамжамиятга қўшилишига хизмат қилади. Ўзбекистонда гендерга оид концептуал назария эндигина тараққий этаётганлиги боис таржимашунослик соҳаси гендерга оид термин ва тушунчаларни ўзбек тили дискурсига киритишда ўз самарасини беради.

13. Когнитив терминология ва таржимашунослик назарияси, ижтимоий конструктивизм ва танқидий дискурс таҳлили (CDA) методологиялари тилни нолисоний объектлар тўғрисидаги билимларга эга бўлиш воситаси сифатида белгиловчи муҳим омиллардир.

14. Таълим тизимида гендер назариясини жорий этиш жамиятнинг гендер муаммосига бўлган муносабатини тўғри шакллантиришга ёрдам беради.

**ONE TIME SCIENTIFIC COUNCIL BASED ON THE SCIENTIFIC
COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES DSc.27.06.2017.Fil.19.01
AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF THE UZBEK LANGUAGE
AND LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOI**

UZBEKISTAN STATE WORLD LANGUAGES UNIVERSITY

ERGASHEVA GULI ISMOIL QIZI

**LINGUISTIC AND EXTRA-LINGUISTIC FACTORS IN THE
FORMATION OF GENDER TERMINOLOGY IN THE SYSTEM OF
DIFFERENT LANGUAGES**

10.00.11 – Theory of Language. Applied and Computer Linguistics

**ABSTRACT OF THE DOCTORAL THESIS (DSc)
ON PHILOLOGICAL SCIENCES**

Tashkent 2018

The theme of doctoral (DSc) thesis was registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under № B2017.2.DSc/Fil78

The doctoral thesis was written at the Uzbekistan State World Languages University.

The abstract of the thesis in three languages (Uzbek, English, Russian (summary)) is logged on the web-sites of the Scientific Council (www. navoiy-uni.uz.) and the information-educational portal «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Scientific advisor:

Gulandom Hisomovna Bakieva

Doctor of Philological sciences, professor

Official opponents:

Shahriyor Safarovich Safarov

Doctor of Philological sciences, professor

Shoira Rustamovna Usmanova

Doctor of Philological sciences, professor

Alex Krouglov (England)

Doctor of Philological sciences, associate professor

Leading organization:

National University of Uzbekistan

The defense of the dissertation will be held on _____, 2018, at ___ at the meeting of the Scientific Council DSc.27.06.2017.Fil.19.01 at Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi. (Address: 103, Yusuf Hos Hojib Str., Yakkasaroy district, Tashkent, 100174. Tel: (0-371) 2811022; e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

The doctoral dissertation is available in the Information Resource Center of Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi registered under №.____ (Address: 103, Yusuf Hos Hojib Str., Yakkasaroy district, Tashkent, 100174. Tel: (0-371) 2811022; e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

The abstract of the dissertation was distributed on _____ « ____ », 2018.

(Posting dictionary № ____ as of _____ « ____ », 2018)

Sh.S.Sirojiddinov

Chairman of the One-time Scientific Council based on the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

K.Pardayev

Scientific Secretary of the One-time Scientific Council based on the Scientific Council awarding scientific degrees, Candidate of Philological Sciences

N.M.Makhmudov

Chairman of the One-time Scientific Seminar based on the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

INTRODUCTION (annotation of doctoral thesis)

Topicality and necessity of the thesis. The fact the world linguistics deals with anthropocentric paradigm urges the study of the issues related to gender terminology standardization and gender discourse implementation. In this regard, challenging the principles of traditional terminology and translation, testing the perspective relevance of cognitive semantics to demonstrate a language potential in the world conceptualization and categorization through gender discourse lens, revealing linguistic and extra-linguistic factors in the formation of gender terminology system is of high importance.

Gender and language issues, translation of human rights texts, cognitive study of terminology are highly addressed by modern linguistics. Since 1970's gender has been studied as a factor demonstrating the need of society towards social enhancement, an index of language evolution and a subject of social-cultural relations in national and international levels.

The tendency of developing new methods and approaches of the world linguistics in accordance with the existent traditional Uzbek linguistics has been formed in the years of independence, since one may observe the introduction of the principles of cognitive approach to the traditional terminology methodology. The fact that «Uzbekistan is to be competitive worldwide in the sphere of science, intellectual potential, modern personnel training and high technologies»¹ sets the task to raise the level of the researches equal to the world standards. The importance of gender relations at the State level urges the investigation of gender terms in the cognitive aspect from onomasiological, semasiological and lexicographic viewpoints, recalling the need to study the cognitive potential of the language by the conscious and unconscious way we categorize and conceptualize the world.

The research work contributes to the implementation of the Presidential Decree # 4797 “On establishment of the Tashkent State University of Uzbek language and literature named after Alisher Navoi” as of May 13, 2016, # 4947 “About the strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan” as of February 7, 2017, # 5106 “On strengthening the effectiveness of youth policy and supporting the Youth Union of Uzbekistan” as of July 5, 2017, Presidential Resolution “On measures for further development of the higher education system” as of April 20, 2017, Decree # 5325 “On measures of radically improving activities in the sphere of supporting women and strengthening the family institution” as of February 2, 2018 and other legal and regulatory instruments related to the theme of dissertation.

Relevant research priority areas of science and developing technology of the Republic: I. The research was carried out under the priority directions of science and developing technology of the Republic “The Formation of the

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – №258 (6952).

Innovative System of Ideas in Social, Legal, Economic, Cultural, Spiritual and Educational Development of the Democratic State and their Ways of Implementation in the Information Society”.

A review of international research on the topic of dissertation²:

A starting point of the terminology science dates back to the early XX century (O.Wüster, D.Lotte, U.Tursunov). What is more important, over the last decades, the independent scientific schools on terminology have been developed in the countries as Austria, Germany, United Kingdom, United States, Canada, Czech Republic, Scandinavia, Russian Federation, Ukraine, Azerbaijan, Latvia, Lithuania, Estonia, as well as Uzbekistan.

A number of scientific findings have been obtained as a result of the worldwide researches in the aspect of cognitive terminology: the theoretical foundations of terminology as a relatively independent science (Russian Institute of A.S.Pushkin); cognitive features of the formation of life-science terminology (Vrije Universiteit Brussel, Belgium); the theory and methods of cognitive terminology (Pompeu Fabra University, Spain); the cognitive approach to the professional communication and terminology (the Russian Linguistic Association of Cognitologists, the Russian Fundamental and Applied Linguistics Association, the American Association for Applied Linguistics,); the cognitive foundations of the translation and terminology fields (Lomonosov Moscow State University Translation School; University of Granada, Spain); the biological, psychological and social factors in the formation of gender-related terms (Macquarie University, Australia); feminist critique of gender-related terminology and concepts (University of Konstanz, Germany; University of California, USA); and linguistic and extra-linguistic factors in the formation of gender-related terms (Uzbekistan State World Languages University, Uzbekistan).

Today, the world linguistics is contributing to the development of the problems related to the functional-semantic features of gender terminology, the categorization of the term-system in lexicographic, stylistic, linguo-pragmatic, psycholinguistic and lingua-cultural aspects.

Problem development status. The study of the linguistic peculiarities of the Uzbek specific terminology by Uzbek scholars³ goes back to the 1930s. Recent researches⁴ of the theoretical-methodological aspects of terminology system in the

² A review of international research on the topic of dissertation was based on the following sources: www.pushkin.institute, www.vub.ac.be, www.upf.edu/en/home, www.ralk.info, www.msu.ru, www.ugr.es/en, www.mq.edu.au/, www.uni-konstanz.de/en/, www.uzswlu.uz/, www.universityofcalifornia.edu.

³ Турсунов У. Ўзбек терминологияси масалалари. – Т., 1933; С.Ф. Ақобиров. Тил ва терминология. –Т., 1968; Дониёров Р. Ўзбек тили илмий-техникавий терминлари тарихидан. –Т., 1973; Усмонов Н.У. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: фил.ф.н. ... дис.автореф. – Т., 1994; Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально экономическая терминология в туркоязычных письменных памятниках XI-XIVвв. Дис. ... д-ра филол.наук. – Т., 1991; Бектемиров Х, Бегматов Э. Мустакиллик даври атамалари. –Т., 2002 ва ҳ.к.

⁴ Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Фил.фанлари доктори ... диссертация. – Т., 2016; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари: Фил. фанлари доктори ... диссертация. – Т., 2016; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори ... дис. – Т., 2017; Валиев Т.Қ. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талқини:

field of law, tax and customs, ecology, ICT, road construction, etc. undoubtedly increase the value of the national scientific-technical terminology, enriching, in turn, the scope of professional discourses.

Gender and language issues focusing on discourse rather than grammar have become commonplace in recent decades by the evidence of a huge number of bibliography list dedicated⁵. It can be attributed to the development of the modern linguistics in anthropology paradigm investigating the issues of language, thought and culture as a whole. Accordingly, the scientific-theoretical views of Sh.Safarov on mental-linguistics is of high importance⁶.

An introduction of socio-terminology, communicative theory of terminology and socio-cognitive terminology has promoted Terminology to a brand-new level⁷ (Cabre Teresa, 1999; Temmerman Rita, 2000; Pamela Faber 2012), from the time when Traditional Terminology has been integrated into a totally different space in the 1990s.

The study of Translation studies from cognitive viewpoint have opened up new prospects in dealing with the metaphor theory⁸, *understanding* and *cognition* in relation to translation of international human rights texts and the application of cognitive models in the translation of such texts⁹. The researches of the Uzbek scholars on gender aspect of the language is worthy of note¹⁰.

We claim that modern national researches in the scope of terminology, dealing with the vocabulary of specialized subjects, are cut from the natural functionality of language (in discourse and categorization), and consequently are detached from problem solving potential of the language. Today, the study of gender as an object of Applied linguistics remains as one of the topical issues. The present work attempts to study the very object in the aspects of Terminology and

Фалсафа доктори ... дис. – Самарқанд, 2018. Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари материаллари мисолида): Фалсафа доктори ... дис. – Бухоро, 2018.

⁵ An advanced resource book by Jane Sunderland gives a comprehensive overview of the works done in the aspect of gender and language // Jane Sunderland. Language and Gender: An advanced resource book: Routledge, NY, 2006. 385p.

⁶ Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология: монография. – Т.: Bayoz, 2015; Сафаров Ш. Прагмалингвистика: монография. – Т., 2008; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006.

⁷ Boulanger J. C. “Une lecture socioculturelle de la terminologie”. Cahiers de Linguistique Sociale 18. 1991. - pp. 13-30; Gaudin F. Socioterminologie: Une approche sociolinguistique de la terminologie. Bruxelles: Duculot, 2003; Cabre Castellvi M.T. Elements for a theory of terminology: Towards an alternative paradigm. Terminology 6 (1), 2000. - pp. 35-57; Cabre Teresa. Terminology. Theory, methods and applications. Amsterdam: John Benjamins, 1999; Temmerman R. Towards new ways of terminology description. The sociocognitive approach. John Benjamins B.V., 2000; Pamela Faber. A cognitive Linguistics view on Terminology and specialized language. GmbH & Co. Berlin, 2012. - 315 p.

⁸ Thinking through translation with metaphors. Edited by James St. Andre. GB:St Jerome, 2010.

⁹ Garre Marianne. Human rights in translation: legal concepts in different languages. Copenhagen, Denmark: Copenhagen Business School. 1999.

